

Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг тумандаги ижроси ўрганилди



Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги ва "Реклама тўғрисида"ги қонунларининг ижросини таъминлаш, шунингдек, ташқи ёзувларнинг давлат тили меъёрларига мувофиқлигини назорат қилиш мақсадида Термиз тумани ҳокимлиги томонидан ишчи гуруҳ тузилди.

Мазкур ишчи гуруҳ таркибига туман ҳокимининг маслаҳатчиси К. Худойбердиев ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлинмаси раҳбари Ё. Мустанов киритилди. Улар томонидан туманда жойлашган реклама баннерлари, пешлавҳалар, эълон ва ахборот матнлари ўрганилиб, уларнинг давлат тили тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги таҳлил қилинди.

Ўрганишлар натижасида айрим ташқи ёзувларда давлат тили меъёрларига риоя қилинмагани, грамматик ва имловий хатолар учрагани аниқланди. Шу муносабат билан, тадбиркорларга ва муассаса раҳбарларига мавжуд камчиликларни бартараф этиш, ташқи ёзувларни қонунчилик талабларига мувофиқ ҳолда юритиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Шунингдек, келгусида ушбу йўналишда назорат ишлари давом эттирилиши ва қонун талабларига риоя қилиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилиши белгиланди.